# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

**БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ** № 18 (1197) 2019 йил 2 май

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда ISSN 2010-6602 @bank_axborotnomasi Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТАДБИР

## Ўзбекистонда илк бор “Инвестор куни”




**"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан Freedom Finance инвестиция компанияси билан ҳамкорликда «Инвестор куни» онлайн анжумани ўтказилди.**

Ташқи инвесторларни кенг жалб этиш, улар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, банк фаолиятини очиқ намойиш қилиш, келгусида стратегик шерикчиликни йўлга қўйишдан иборат бўлган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, Freedom Finance инвестиция компанияси вакиллари, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**(Давоми 4-саҳифада)**

ПРЕСС-ТУР

## “Агробанк” экспортбоп лойиҳаларни молиялаштирмоқда

**Яқинда «Агробанк» АТБ томонидан «Ҳудудларда «Агробанк» АТБнинг молиявий кўмагида фаолиятини бошлаган тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзусида пресс-тур ўтказилди. Унда банкнинг раҳбар ва ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**



– Бугунги кунда банк томонидан нафақат аҳоли ва мижозларга тезкор, ишончли, замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда, балки йирик тадбиркорлик субъектларининг истиқболли, инвестицион ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди «Агробанк» АТБ Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази директори ўринбосари Иномжон Жўрабоев. – Хусусан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига ажратилган инвестицион кредитлар қолдиғи 4 трлн. 974 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кредитлар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт, моддий-техник таъминотга ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилиб, экспортбоп маҳсулотлар сонининг ошишига эришилди.

**(Давоми 5-саҳифада)**

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

**Хитой Халқ Республикаси**нинг «Бир макон, бир йўл» деб номланган иккинчи халқаро форумида Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Форум доирасида томонлар 283 та амалий натижага, давлатлараро келишувлар ва ҳамкорлик лойиҳаларига эришди. Форум доирасида ишбилармонлар қиймати 64 миллиард доллардан зиёд бўлган битимлар имзолади.

**«Бир макон, бир йўл»** ташаббуси доирасида UnionPay International компанияси Ўзбекистон, Индонезия, Лаос, Таиланд ва Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи молия муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади. Улардан бири АТ «Алоқабанк» томонидан UnionPay карталарини чиқариш бўйича бўлиб, битим кредит ва премиум маҳсулотларни ўз ичига олади.

Мазкур келишувлар туфайли «Алоқабанк» ва UnionPay мижозлари дунё бўйлаб электрон тўловлар соҳасида янада кўпроқ имкониятларга эга бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**нинг тегишли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «APEX INSURANCE» суғурта компаниясига умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича мажбурий суғуртани амалга ошириш учун 2019 йил 20 апрелдаги СФ 00241-сонли лицензия берилди.

**13-28 апрель кунлари Марказий банк** ходимлари ўртасида «Ёшлик» спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Марказий банкнинг 180 нафар ходими иштирок этди. Улар мини-футбол ва шахмат турлари бўйича куч синашдилар. Мусобақа якунида ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Валюталар курслари 30.04.2019 дан

| | | | |
|---|---|---|---|
| $ | € | £ | ₽ |
| 8445,49 сўм | 9415,03 сўм | 10 909,04 сўм | 130,27 сўм |
| ↑ +4,13 | ↓ -78,12 | ↓ -54,60 | ↓ -1,51 |

УШБУ СОНДА

ХАЛҚ БАНКИ 45 МИНГ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТАДИ



4

“АСАКА” БАНКДАН КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР



5

ЙИЛНИНГ ЭНГ ИННОВАЦИОН ДАРОМАДЛИ КОМПАНИЯЛАРИ

8

# Joint Stock Commercial Mortgage Bank «Ipoteka bank»

License: *№ 74 reissued by the Central Bank of Uzbekistan on 21 October 2017.*
*The Bank's registered address is: Shahrisabz Street 30, Tashkent, 100000, Uzbekistan.*

## Consolidated Statement of Financial Position as at 31 December 2018

| In thousands of Uzbekistan Soums | 31 December 2018 | 31 December 2017 |
|---|---|---|
| **ASSETS** | | |
| Cash and cash equivalents | 1 315 361 679 | 1 374 091 094 |
| Due from other banks | 508 224 150 | 1 249 251 006 |
| Loans and advances to customers | 17 598 212 078 | 10 563 180 000 |
| Debt securities of the Government of the Republic of Uzbekistan | 154 609 799 | - |
| Financial assets at fair value through other comprehensive income | 5 783 502 | n/a |
| Investment securities available for sale | n/a | 5 820 700 |
| Investment in associates | 2 240 380 | 2 299 741 |
| Premises, equipment and intangible assets | 184 920 799 | 138 300 144 |
| Current income tax prepayment | 878 477 | 17 890 |
| Deferred income tax asset | 33 533 581 | 9 294 096 |
| Other financial assets | 1 211 112 | 17 514 579 |
| Other non-financial assets | 26 374 414 | 23 880 205 |
| **TOTAL ASSETS** | **19 831 349 971** | **13 383 649 455** |
| **LIABILITIES** | | |
| Due to other banks | 65 673 107 | 159 619 |
| Customer accounts | 7 090 686 416 | 5 648 433 204 |
| Debt securities in issue | 9 934 176 | 12 795 510 |
| Borrowings from government, state and international financial institutions | 10 991 699 567 | 6 303 874 202 |
| Other financial liabilities | 13 500 271 | 9 861 722 |
| Other non-financial liabilities | 47 731 860 | 44 498 444 |
| **TOTAL LIABILITIES** | **18 219 225 397** | **12 019 622 701** |
| **EQUITY** | | |
| Share capital | 983 979 242 | 844 421 142 |
| Share subscription reserve | 124 722 750 | 109 476 554 |
| Share premium | 754 434 | 754 434 |
| Share capital reserve | 60 873 112 | 31 427 547 |
| Retained earnings | 443 725 687 | 368 472 517 |
| Revaluation reserve of financial assets at fair value through other comprehensive income | (731 373) | - |
| Net assets attributable to the Bank's owners | 1 613 323 852 | 1 354 552 194 |
| Non-controlling interest | (1 199 278) | 9 474 560 |
| **TOTAL EQUITY** | **1 612 124 574** | **1 364 026 754** |
| **TOTAL LIABILITIES AND EQUITY** | **19 831 349 971** | **13 383 649 455** |

## Consolidated Statement of Profit or Loss and Other Comprehensive Income for the year ended 31 December 2018

| In thousands of Uzbekistan Soums | 2018 | 2017 |
|---|---|---|
| Interest income | 1 224 371 051 | 582 492 130 |
| Interest expense | (577 353 847) | (284 910 739) |
| Net interest income | 647 017 204 | 297 581 391 |
| Provision for impairment of loans and advances to customers | (95 034 870) | (45 236 392) |
| Net interest income after provision for loan impairment | 551 982 334 | 252 344 999 |
| Fee and commission income | 216 186 807 | 205 201 147 |
| Fee and commission expense | (38 346 485) | (34 506 036) |
| Gains less losses from trading in foreign currencies | (1 620 664) | 59 535 822 |
| Foreign exchange translation gains less losses | 10 532 692 | 206 990 609 |
| Impairment losses on non-core assets | (25 658 841) | - |
| Loss from impairment of investment securities available for sale | - | (2 967 147) |
| Dividend income | 960 678 | 481 868 |
| Other operating income | 14 591 795 | 10 905 834 |
| Other impairment recovery/(provision) | 1 023 979 | (104 172) |
| Administrative and other operating expenses | (503 559 483) | (391 362 930) |
| Share of result of associates | (59 361) | (259) |
| Profit before tax | 226 033 451 | 306 519 735 |
| Income tax expense | (48 329 294) | (25 569 649) |
| PROFIT FOR THE YEAR | 177 704 157 | 280 950 086 |
| Profit is attributable to: | | |
| - Owners of the Bank | 190 103 068 | 282 347 657 |
| - Non-controlling interest | (12 398 911) | (1 397 571) |
| Profit for the year | 177 704 157 | 280 950 086 |
| Items that will not be reclassified subsequently to profit or loss: Fair value adjustment on financial assets at fair value through other comprehensive income | (173 746) | - |
| Tax effect | 38 224 | - |
| Total other comprehensive income for the year | (135 522) | - |
| TOTAL COMPREHENSIVE INCOME FOR THE YEAR | 177 568 635 | 280 950 086 |
| Total comprehensive income is attributable to: | | |
| - Owners of the Bank | 189 967 546 | 282 347 657 |
| - Non-controlling interest | (12 398 911) | (1 397 571) |
| **Total comprehensive income for the year** | **177 568 635** | **280 950 086** |
| **Basic and diluted earnings per share per ordinary share in UZS** | **0,19** | **0,59** |
| **Basic and diluted earnings per share per equity component of preference share in UZS** | **0,38** | **0,82** |

## Consolidated Statement of Changes in Equity for the year ended 31 December 2018

| | Attributable to owners of the Bank | | | | | | | Non-controlling interest | Total equity |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **In thousands of Uzbekistan Soums** | **Share capital** | **Share subscription reserve** | **Share premium** | **Share capital reserve** | **Retained earnings** | **Revaluation reserve of financial assets at fair value through other comprehensive income** | **Total** | | |
| **31 December 2016** | **269 421 142** | **-** | **754 434** | **-** | **143 850 129** | **-** | **414 025 705** | **-** | **414 025 705** |
| Net profit /(loss) for the period | - | - | - | - | 282 347 657 | - | 282 347 657 | (1 397 571) | 280 950 086 |
| Total comprehensive income /(loss) for the period | - | - | - | - | 282 347 657 | - | 282 347 657 | (1 397 571) | 280 950 086 |
| Capitalisation of retained earnings - ordinary shares | 33 826 553 | - | - | - | (33 826 553) | - | - | - | - |
| Recognition of liability component of preference shares | (896 000) | - | - | - | (224 000) | - | (1 120 000) | - | (1 120 000) |
| Share subscription deposit - ordinary shares | - | 109 476 554 | - | 31 427 547 | - | - | 140 904 101 | - | 140 904 101 |
| Ordinary shares issued | 542 069 447 | | | | | | 542 069 447 | | 542 069 447 |
| Dividends declared - ordinary shares | - | - | - | - | (23 674 716) | - | (23 674 716) | - | (23 674 716) |
| Establishment of subsidiaries with non-controlling interest | - | - | - | - | - | - | - | 10 872 130 | 10 872 130 |
| **31 December 2017** | **844 421 142** | **109 476 554** | **754 434** | **31 427 547** | **368 472 517** | **-** | **1 354 552 194** | **9 474 560** | **1 364 026 754** |
| **Effect of IFRS 9 adoption on 1 January 2018 (restated)** | **-** | **-** | **-** | **-** | **(57 870 062)** | **(595 851)** | **(58 465 913)** | **-** | **(58 465 913)** |
| **1 January 2018 (restated under IFRS 9)** | **844 421 142** | **109 476 554** | **754 434** | **31 427 547** | **310 602 455** | **(595 851)** | **1 296 086 281** | **9 474 560** | **1 305 560 841** |
| Net profit /(loss) for the year | - | - | - | - | 190 103 068 | - | 190 103 068 | (12 398 911) | 177 704 157 |
| Other comprehensive loss for the year | - | - | - | - | - | (135 522) | (135 522) | - | (135 522) |
| Total comprehensive income /(loss) for the year | - | - | - | - | 190 103 068 | (135 522) | 189 967 546 | (12 398 911) | 177 568 635 |
| Capitalisation of retained earnings | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Share subscription deposit - ordinary shares | - | 126 906 750 | - | 29 445 565 | - | - | 156 352 315 | - | 156 352 315 |
| Ordinary shares issued | 139 558 100 | (111 660 554) | - | - | - | - | 27 897 546 | - | 27 897 546 |
| Dividends declared - ordinary shares | - | - | - | - | (56 979 836) | - | (56 979 836) | - | (56 979 836) |
| Share increase in subsidiaries with non-controlling interest | - | - | - | - | - | - | - | 1 725 073 | 1 725 073 |
| **31 December 2018** | **983 979 242** | **124 722 750** | **754 434** | **60 873 112** | **443 725 687** | **(731 373)** | **1 613 323 852** | **(1 199 278)** | **1 612 124 574** |

# Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабр ҳолатига кўра (млн. сўмда)

| | 2018 й. | 2017 й. |
|---|---|---|
| **Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати** | | |
| Даромад солиғи ҳисобидан олдинги давом этаётган фаолият бўйича фойда | 848 422 | 2 088 731 |
| Даромад солиғи ҳисобидан олдинги тугатилган фаолият бўйича зарар | - | (14 783) |
| Кредит зарарлари бўйича тикланишлари / (харажатлар) | (600 164) | 1 219 770 |
| Бошқа операциялар бўйича захираларни шакллантириш | 89 663 | 27 832 |
| Фоизли даромад келтирадиган активларнинг дастлабки тан олинишидан кўрилган зарар | 129 677 | 121 579 |
| Чет эл валютасидаги операциялар бўйича ўзлаштирилмаган соф (харажат) / даромад | 103 261 | (2 494 017) |
| Амортизация ва эскириш | 45 545 | 26 623 |
| Қарам корхоналарнинг фойдасидаги улуши | (8 323) | (8 540) |
| Фоизли даромадларнинг ҳисобланишидан ўзгаришлар | 502 350 | (358 223) |
| Фоизли харажатларнинг ҳисобланишидан ўзгаришлар | 13 205 | 79 145 |
| Бошқа нопул ҳисоблар | 5 103 | 79 052 |
| **Операцион активлар ва мажбуриятларнинг ўзгаришигача бўлган операцион фаолиятнинг пул оқимлари** | **1 128 739** | **767 169** |
| *Операцион активларнинг соф (кўпайиши) / камайиши* | | |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар | 116 468 | (119 963) |
| Мижозларга берилган кредитлар | (10 728 287) | (9 258 333) |
| Сотиш учун мўлжалланган активлар | 175 103 | (76 117) |
| Бошқа активлар | 17 416 | (56 216) |
| *Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) / камайиши* | | |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳукумати олдидаги қарздорлик | (324 266) | (338 089) |
| Кредит муассасаларининг маблағлари | (958 536) | (582 582) |
| Мижозларнинг маблағлари | (271 562) | 3 467 822 |
| Сотиш учун мавжуд активлар билан бевосита боғлиқ мажбуриятлар | (18 024) | 10 892 |
| Бошқа мажбуриятлар | 181 918 | (58 353) |
| **Даромад солиғи тўлангунга қадар операцион фаолиятдан кўрилган соф пул оқимлари** | **(10 681 031)** | **(6 243 770)** |
| Тўланган даромад солиғи | (107 486) | (84 107) |
| **Операцион фаолиятда ишлатилган соф пул оқимлари** | **(10 788 517)** | **(6 327 877)** |
| | **2018 й.** | **2017 й.** |
| **Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати** | | |
| Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни сотиш / (сотиб олиш) | 11 287 | (10 425) |
| Қарам корхоналарга киритилган инвестициялар | (125 594) | (6 948) |
| Қарам корхоналардан олинган дивидендлар | 12 821 | 4 638 |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш | (724 197) | (119 310) |
| Сотиш учун мўлжалланган активларнинг сотилишидан тушган тушум | 1 813 | (1 158) |
| Шўъба корхоналарнинг чиқарилишидан тушган соф пул маблағлари | - | 9 696 |
| **Инвестицион фаолиятдан олинган соф пул оқимлари** | **(823 870)** | **(123 507)** |
| **Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати** | | |
| Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича тушумлар | - | 110 000 |
| Чиқарилган қарз қимматли қоғозларни сотиб олиш | (29 243) | (30 401) |
| Ҳукуматнинг акциядор сифатида киритган маблағлари | - | 568 663 |
| Бошқа қарз маблағлари бўйича соф тушумлар | 7 572 791 | 6 517 818 |
| Иштирокчининг назорат қилинмайдиган улуши | 51 001 | 24 455 |
| **Молиявий фаолиятдан олинган соф пул оқимлари** | **7 594 549** | **7 190 535** |
| Айирбошлаш курси ўзгаришининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири | (448 104) | 5 005 248 |
| **Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши** | **4 466 354** | **5 744 399** |
| **Пул маблағлари ва улар эквивалентлари, йил бошига** | **11 080 508** | **5 336 109** |
| **Пул маблағлари ва улар эквивалентлари, йил охирига** | **6 614 154** | **11 080 508** |
| Олинган фоизлар | 2 947 515 | 958 778 |
| Тўланган фоизлар | (1 696 011) | (795 049) |
| **Пулсиз операциялар** | | |
| Асосий воситаларнинг пулсиз кўпайиши | - | (17 107) |

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "Ernst & Young" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги АФ 00628-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.*

**Хизматлар лицензияланган.**

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда 2994-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 14-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 23 февраль,*
*4/13-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон қарорига*
*ИЛОВА*

***Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар***

1. 6-банддан "ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади" деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 2 — 5-иловалардан "муҳр" деган сўз чиқариб ташлансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда 2989-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон қарори (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018й., 10/18/2989/0968-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 23 февраль,*
*4/1-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2019 йил 23 февралдаги 4/1-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

***Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига киритилаётган ўзгартиришлар***

1. 3-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри” давлат унитар корхонасининг 2018 йилги фаолияти бўйича

**2018 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 ноябрдаги ПҚ-4026-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 155-сон ҳамда мазкур қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2018 йил 29 декабрдаги 1058-сон қарорларига мувофиқ гаров реестрининг интернет тармоғи орқали узлуксиз фаолият юритилиши таъминланди.**

**2018 йил давомида:**

– фойдаланувчиларга улар билан тузилган шартномалар асосида гаров реестрига кириш, шунингдек ундан интернет ахборот тармоғи орқали узлуксиз кеча-кундуз фойдаланиш имконияти таъминланди;

– гаров реестридан фойдаланиш юзасидан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестрига ёзув киритиш, ундан кўчирма (маълумот) олиш ва бошқа функцияларидан фойдаланишнинг афзалликлари тушунтирилди;

– гаров реестридаги ахбороти қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами, ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами, шунингдек кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва автотранспорт воситасининг кузов рақами бўйича излаш ҳамда излаш натижаларига кўра кўчирма олиш имконияти таъминланди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари учун гаров реестри билан ишлаш бўйича кўникмаларни ошириш ва гаров реестридан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида семинарлар ўтказилди.

Гаров реестри хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида 2018 йилда жисмоний шахслар учун “Биллинг” тизими жорий қилинди ҳамда гаров реестрининг мобил версияси яратилди.

Инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4026-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда энг илғор халқаро амалиётларни ҳисобга олган ҳолда, мулкни гаровга қўйиш, лизинг ва мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа турларининг амалдаги механизмларини такомиллаштириш, гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратишга оид талабларни унификация қилиш орқали кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтирганлиги гаров муносабатларини жадал ривожланишига имконият яратиб беради.

Шунингдек, мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1058-сонли қарорига мувофиқ гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ўн фоизига, гаров реестридан кўчирмалар берилганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизидан беш фоизига туширилди.

Барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, шунингдек давлат органлари, бошқа бир қатор корхоналар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланишмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда “Гаров реестри” ДУК томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йилда гаров реестрининг фойдаланувчилари сони 46 тага кўпайиб, 215 тага етди.

Фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган ёзувлар 410 мингдан ошди, ёзувларга 421 мингдан ортиқ ўзгартиришлар қилинган ва 254 мингга яқин ёзувлар гаров реестридан чиқарилган ҳамда гаров реестридан 4,7 мингга яқин кўчирмалар олинган.

Хусусан, 2018 йилда гаров реестрига киритилган ёзувлар 191,5 мингтани ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 85 фоизга ошди. Шунингдек, ёзувларга 298 мингдан зиёд ўзгартиришлар қилинган ва 173 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган ҳамда реестрдан 1 100 га яқин кўчирмалар олинган.

Гаров реестридаги ёзувларнинг 94,8 фоизи тижорат банклари томонидан ва 5,0 фоизи микрокредит ташкилотлар томонидан киритилган.

Амалга оширилган ишлар билан биргаликда “Гаров реестри” ДУК томонидан гаров реестрини янада такомиллаштириш ва фойдаланувчиларга қулайликларни ошириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Гаров реестрининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йилда “Гаров реестри” ДУК томонидан қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

– Гаров реестридан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида солиқ тўловчиларнинг қарздорликлари тўғрисида ёзувларни гаров реестрига ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасидан гаров реестрига уланишга имконият яратиш;

– кўчмас мулклар бўйича таъминот битимлар тўғрисида гаров реестрига ёзув киритишда кўчмас мулклар идентификация қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг интеграциялаштирилган ахборот базасига уланиш.

**А. МАМАТОВ,**
**“Гаров реестри” ДУК директори**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан инвестицияларни фаол жалб қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари вакилларига банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки, бу йўналишда эришилаётган натижалар ва галдаги вазифалар бўйича батафсил маълумотлар берилди.**

# “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЖАЛБ ҚИЛАДИ

– “Қишлоқ қурилиш банк” бир неча йиллардан буён қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилиш ишларини молиялаштириш билан шуғулланиб, кредит портфелидаги аксарият маблағни ҳам шу йўналишга ажратар эди. Бироқ кейинги йилларда банкимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда, – дейди АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси ўринбосари Алишер Муротов. – Жумладан, 2019 йилнинг I чораги давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 330,7 млрд. сўм, жорий йилнинг 3 ойи мобайнида стартап лойиҳалар учун эса 69,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Бу маблағлар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига йўналтирилди. Шу билан бирга тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,0 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 68,8 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди.



Шунингдек, банк томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида, яъни “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури ижроси борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Шу даврга қадар дастур доирасида 6 589 нафар фуқарога жами 150,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар берилди. Мазкур кредитларни ажратишда банк томонидан аҳолига бир мунча қулайликлар яратилган бўлиб, қоғозбозлик каби беҳуда югур-югурлар кескин қисқартирилди. Фуқароларга фақат ҳудудий сектор раҳбарлари ва маҳалла йиғинининг тегишли тавсиялари асосида имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Тадбир давомида кичик бизнес субъектларини молиялаштириш йўналишида хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, банк томонидан Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тараққиёт ассоциацияси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг чорвачилик ва мева-сабзавотчилик йўналишидаги жами 34,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини тўлиқ ўзлаштиришга эришилди. Шу билан бирга Хитойнинг Экспорт-импорт банки томонидан ажратилган 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Шунингдек, Россиянинг АК-БАРС банки билан савдони молиялаш йўналишида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, шу кунга қадар мазкур банкнинг 2,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларидан фойдаланилди. Шу билан бирга жорий йил давомида банк томонидан яна 100 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит линияларини жалб қилиш мўлжалланмоқда.

Матбуот анжумани сўнггида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳалар, янги хизматлар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича маълумотлар берилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

**Рустам ПЎЛАТОВ**

FINANCEUZ хабар қилади

## МАСОФАДАН БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ 9 371 447 ТАГА ЕТДИ

**Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида муайян ишлар амалга оширилди.**



Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи мижозлар жами сони 9 371 447 та бўлиб, шундан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 498 936 тани, жисмоний шахслар сони 8 872 511 тани ташкил этди.

2019 йилнинг I чораги мобайнида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ўртача ойлик транзакциялар сони 5,34 млн. тани, уларнинг суммаси 74,1 трлн. сўмни ташкил этди.

Банк депозиторлари миллий ахборот базасида рўйхатга олинган фаол мижозлар сони 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 880 634 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 6,1 фоизга ортиб, 1 995 648 тага етди.

## Гулистонда "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маркази" иш бошлади

**Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри марказида "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маркази" ўз фаолиятини бошлади. "Асака" банк томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган марказда мини-технологиялар (тикув машиналари, қандолат маҳсулотларини пишириш ускуналари, қишлоқ хўжалиги мини-техникалари, сартарошлик хизмати жиҳозлари, мебель ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқалар) кўргазмаси ҳам бўлиб ўтмоқда.**

Марказда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида мини-технологияларни сотиб олиш шартномалари ва 5 та тижорат банки филиаллари ходимлари томонидан кредит ҳужжатларини жойида расмийлаштириш йўлга қўйилган. Бу эса тадбиркорларнинг банкма-банк сарсон бўлишининг олдини олмоқда.

Шунингдек, худди шундай мини-технологиялар кўргазмаси маҳаллалар ҳудудида ҳам ташкил қилиб борилаётгани аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириб, улар сафининг ортишига сабаб бўлаётир.

# Инвестицион фаоллик натижалари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2019 йил 23 январда тасдиқланган, тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"нинг "21" ва "22" бандларига мувофиқ, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва "Ahbor-reyting" рейтинг агентлиги томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.**

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллик даражасини баҳолаш мезонлари белгиланиб, унга асосан инвестицион фаоллик даражасини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилиб, 2019 йилни 28 февралида тасдиқланди ва унга мувофиқ, тижорат банкларининг инвестицион фаоллик даражасига рейтинг бериш механизми жорий этилди.

Услубиятига кўра, жорий йилнинг биринчи чорак якуни бўйича тижорат банклари инвестицион фаоллик рейтингини аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциациясини 2019 йил 6 мартдаги тижорат банкларига йўллаган кўрсатмасига мувофиқ, "Ahbor-reyting" агентлиги банклардан маълумот тўплади. Ушбу маълумотларни умумлаштириш натижасига кўра, республикада фаолият юритаётган 29 тижорат банкидан 2019 йил биринчи чорагида 25 та банк томонидан 10 328 та 80 237 млрд. сўмлик инвестицион лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинган. Мазкур лойиҳаларнинг 1 590 таси ёки 8511 млн. АҚШ долларлик объектлар хорижий кредит ҳисобидан (шу жумладан, 1 120 таси ёки 3 401 млн. АҚШ долларлиги банклар томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ҳисобига) молиялаштирилиши режалаштирилган. 9 271 млрд. сўмлик 8 738 та лойиҳа миллий валютада, шу жумладан, 8 341 млрд. сўмлик 7 489 та лойиҳа банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Молиялаштириш учун танлаб олинган жами инвестицион лойиҳаларнинг 2 088 млрд. сўмлиги 1 027 та объектни сотиб олиш учун, 2 5466 млрд.сўмлиги 2 467 та объектни қуриш, 25 284 млрд.сўми 1 520 та объектни реконструкция қилиш учун ва 28 254 млрд. сўми асбоб-ускуналар сотиб олиш учун режалаштирилган.

Танлаб олинган инвестицион лойиҳалар бўйича 2019 йил 1 апрель ҳолатига 71 158 млрд. сўм, маблағ ўзлаштирилган (шу жумладан, 8 032 млрд. сўм миллий валютада ва 7 544 млн. АҚШ долларига тенг маблағ хорижий валютада ўзлаштирилган, шундан 3098 млн. доллари банклар томонидан тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестициялар ҳисобига).

2019 йил биринчи чораги якунига кўра инвестицион лойиҳалардан 1 540 та объект ишга туширилган ва 25 592 та янги иш ўрни яратилган, улар томонидан 17 755 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ушбу маҳсулотнинг 16 403 млн. сўмлиги истеъмолчиларга сотилган, шундан 486 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллик рейтингини аниқлаш услубиятига мувофиқ, 2019 йилнинг биринчи чорак якунларига кўра жами 90,8 балл тўплаган акциядорлик тижорат "Саноат қурилиш банки" рейтинг рўйхатида биринчи, акциядорлик тижорат "Агробанк" 73,98 балл тўплаб, иккинчи ва Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки 71,61 балл тўплаб, учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

## 2019 йил 1 чораги якунлари бўйича тижорат банкларининг инвестицион фаоллик рейтинги натижалари

| № | Банк номи | Банкларнинг кўрсаткичлар гуруҳлари бўйича тўплаган баллари | | | | Банкнинг якуний балли (макс. - 100) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сонли ва ҳажмий кўрсаткичлар гуруҳи бўйича (макс. - 15) | Самарадорлик кўрсаткичлари гуруҳи бўйича (макс. - 20) | Хатарлар билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи бўйича (макс. - 25) | Сифат ва даромадлилик кўрсаткичлари гуруҳи бўйича (макс. - 40) | |
| 1 | АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" | 14,55 | 19,90 | 24,35 | 32,00 | 90,80 |
| 2 | АТБ "Агробанк" | 11,47 | 16,86 | 15,58 | 30,07 | 73,98 |
| 3 | ЎзР ТИФ МБ | 14,06 | 13,97 | 22,97 | 20,62 | 71,61 |
| 4 | АТ Халқ банки | 10,89 | 17,41 | 12,52 | 28,90 | 69,72 |
| 5 | АИТБ "Ипак Йўли" | 10,55 | 16,79 | 10,28 | 32,07 | 69,70 |
| 6 | АТКБ "Қишлоқ қурилиш банк" | 9,66 | 17,52 | 15,87 | 24,41 | 67,47 |
| 7 | АТ "Алоқабанк" | 7,05 | 16,69 | 15,55 | 27,24 | 66,54 |
| 8 | АТБ "Асака" | 12,12 | 11,93 | 20,21 | 17,79 | 62,05 |
| 9 | АТБ "Капиталбанк" | 7,52 | 15,17 | 9,09 | 28,21 | 59,99 |
| 10 | АТБ "Туронбанк" | 9,37 | 12,90 | 13,71 | 22,97 | 58,94 |
| 11 | АТБ "Савдогар" | 6,37 | 15,69 | 9,09 | 27,59 | 58,73 |
| 12 | АКБ "Микрокредитбанк" | 9,76 | 12,97 | 11,67 | 24,28 | 58,67 |
| 13 | АТИБ "Ипотека-банк" | 11,87 | 11,66 | 15,55 | 13,31 | 52,38 |
| 14 | ХАТБ "Hi-Tech bank" | 3,25 | 12,00 | 9,09 | 26,21 | 50,54 |
| 15 | АТБ "Hamkorbank" | 11,48 | 10,55 | 9,52 | 17,03 | 48,59 |
| 16 | ХАТБ "Ориент Финанс" | 5,93 | 9,86 | 12,53 | 19,10 | 47,43 |
| 17 | АТБ "Универсал банк" | 3,42 | 10,14 | 16,84 | 15,79 | 46,20 |
| 18 | АТБ "Invest Finance Bank" | 4,77 | 14,00 | 11,24 | 16,00 | 46,02 |
| 19 | ХАБ "Трастбанк" | 4,75 | 12,07 | 6,50 | 22,41 | 45,73 |
| 20 | АТБ "Мадад Инвест Банк" | 3,79 | 10,62 | 11,24 | 17,17 | 42,83 |
| 21 | АЖ "КДБ Банк Ўзбекистон" | 4,26 | 11,31 | 11,24 | 15,86 | 42,68 |
| 22 | АЖ "Пойтахт" | 4,13 | 10,41 | 9,09 | 17,10 | 40,73 |
| 23 | АТБ "Asia Alliance bank" | 5,34 | 9,45 | 15,55 | 9,10 | 39,44 |
| 24 | ХАТБ "Ravnaq-bank" | 2,99 | 9,79 | 9,09 | 10,41 | 32,29 |
| 25 | ХАТБ "Туркистон" | 4,04 | 10,83 | 9,09 | 6,28 | 30,23 |

# "ИПОТЕКА-БАНК"ДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БЕПУЛМИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)





– Банк ходимлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш жойларини терминаллар билан таъминлаб, уларнинг узлуксиз ишлаши юзасидан тизимли мониторинг ишлари олиб борилмоқда, – дейди "Ипотека-банк" АТИБ Чакана амалиётлар бошқармаси жисмоний шахсларнинг коммунал ва бошқа тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар бўлими бошлиғи Шерзод Мадатов. – Мазкур йўналишда янада қулайликлар яратиш мақсадида пулли хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларига терминал жиҳозларини жойлаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида шу даврга қадар ўрнатилган терминаллар сони 27 580 тага етиб, банк томонидан 1,5 млн. тадан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилди.

Бундан ташқари, аҳолига кенг қулайлик яратиш мақсадида банк томонидан республикамиз бўйлаб 180 дан ортиқ банкоматлар ва инфокиосклар жойлаштирилган бўлиб, жорий йил охирига қадар яна 300 та Uzcard ва Humo тўлов тизимига хизмат кўрсатадиган банкоматлар ўрнатиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, банк томонидан масофавий хизматлар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида, мижозларга ўз маблағларини мобил иловалар орқали масофадан туриб бошқариш, валютани сотиб олиш каби бир қатор имкониятларни тақдим этмоқда. Жумладан, бугунги кунда банкнинг мазкур мобил иловаларидан 31 мингдан ортиқ юридик ва 11 мингдан ортиқ жисмоний шахслар фойдаланган бўлиб, уларнинг сони кун сайин ортмоқда. Ҳатто, банкнинг айрим филиалларидаги мижозларнинг барчаси "Интернет-банкинг" иловаси орқали ўз юмушларини битирмоқдалар. Бу эса Ипотека-банкнинг тобора онлайн хизматлари кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Қолаверса, банк томонидан мижозларнинг таклиф ва истакларини инобатга олиб, ўз филиаллар тармоғини Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида мониторинг қилиб борган ҳолда малакали ва оператив хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратаётгани эътиборга моликдир.

Анжуман сўнггида банк мутахассислари ва журналистлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**finance.uz**

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШДА ФАОЛ БАНК



**Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Туронбанк" АТБ томонидан "Туронбанк кредитлари бизнесингиз ривожининг муҳим кафолати" ҳамда "Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаб, барқарор иқтисодий тараққиётга эришамиз" мавзуларида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширилаётган устувор вазифаларга бағишланди. Унда банк раҳбарияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда "Туронбанк" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Акмал Рисқулов банк томонидан фуқароларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда фаол иштирок этаётганини қайд этиб, банкнинг бу йўналишдаги ишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг I чорагида банк кредит қўйилмалари 2,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсатгич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 трлн. сўмга ёки 244 фоизга ошди. Хусусан, банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 314,4 млрд. сўм, микрокредитлар эса 21 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 34,7 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 24 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 110 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Бунинг ҳисобига эса минглаб янги иш ўринлари яратилиши эса қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига жами 47,4 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Мазкур сармоялар эвазига кўплаб ёшларни иш билан таъминлашга эришилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунига асосан аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондиришни молиялаштириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб "Микроқарз", жумладан, уни MyTuron мобил иловаси орқали онлайн тарзда ажратиш амалиётга жорий қилинди. Бунда жисмоний шахсларга микроқарзни онлайн тарзда, автоматлаштирилган скоринг таҳлилни қўллаган ҳолда ажратиш йўлга қўйилиб, 2019 йил давомида жами 7,7 млрд.сўм миқдорида, шундан 52 млн. сўм мобил илова орқали онлайн тарзда микроқарз ажратилди.

Юртбошимизнинг ҳудудларга амалга оширган ташрифлари давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш мақсадида банк томонидан 175 та лойиҳаларни молиялаштириш учун 313,8 млрд. сўм ажратилди. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

"Туронбанк" АТБ томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида ўнлаб лойиҳаларга жами 841,2 млрд. сўм миқдоридаги инвестицион кредитлар ажратилди.



Жумладан, қишлоқ хўжалиги йўналишига 185,6 млрд. сўм, янги объектларни қуриш ва модернизациялашга 248,3 млрд. сўм, саноат йўналиши учун 195,7 млрд. сўм, хўжалик юритувчи субъектларни моддий-техник таъминлаш ва маиший хизмат кўрсатиш йўналиши учун 64,5 млрд. сўм, транспорт ва коммуникация тармоғи учун 42,4 млрд. сўм ва бошқа мақсадлар учун 104,7 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Шунингдек, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш" қўшимча молиялаштириш лойиҳаси кредит линияси маблағларидан фойдаланиш юзасидан 25 млн. АҚШ доллари ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси кредит линияси маблағларидан фойдаланиш юзасидан 10 млн. АҚШ доллари ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш" лойиҳаси кредит линияси маблағларидан фойдаланиш юзасидан 40 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб этилган.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**

# ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тантанада Hi-Tech Bankда меҳнат қилаётган қизлар фақат банк иши эмас, балки санъат сирларидан ҳам яхшигина хабардор эканликларини намойиш қилди. Улар мардлик ва жасорат тимсолига айланган "Катюша" қўшиғини маҳорат билан ижро этди.

– Жамоамиз байрамни пухта ҳозирлик кўрган ҳолда кутиб олди, – дейди банкнинг Кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Нодирахон Бакаева. – Шу билан бирга байрам арафасида ўтган азиз инсонлар хотирасини ёд этиш, кекса отахону онахонларимизни йўқлаш каби азалий қадриятлар банкимиз жамоасининг ҳам одатий амалларига айланган. Бу "Хотира ва қадрлаш куни"да яққол кўзга ташланади. Айни кунларда ҳам банкимиз жамоаси пойтахтимизнинг бир қанча маҳаллаларида бўлиб, кекса отахон ва онахонларга байрам совғаларини улашмоқда.







Мазкур тадбир давомида банк фаоллари Мирзо Улуғбек туманидаги "Ойбек" номли маҳалла фуқаролар йиғинига йўл олди. Маҳаллада банк ходимларини кутиб олган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассис Сабоҳат Комилова уларни уруш даврида фронт ортида матонат кўрсатган фахрийлар Музаффар Фотихов, Татьяна Кадишева, Тамара Ерениналарнинг хонадонига бошлаб борди.

– Маҳалламиз кексалари Hi-Tech Bank жамоасидан жуда миннатдор,-дейди Сабоҳат Камолова. – Чунки бу аҳил жамоа фақат "Хотира ва қадрлаш куни"да эмас, ҳар ой фахрийларимизни ҳолидан хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беради. Бу хайрли ишдан фақат кексаларимиз эмас, балки маҳалламиз аҳли ҳам беҳад миннатдор.

Шу куни Hi-Tech Bank фаоллари туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам бўлиб, ўнлаб кексаларга байрам совғаларини улашдилар.

**Володя ЗАВОДОВ**

# "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК": ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА САЙЁР УЧРАШУВЛАР

**"Ўзсаноатқурилишбанк" раҳбарияти Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, қатор шаҳар, туман ва овуллар аҳолиси билан сайёр учрашувлар ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ижросини янги босқичга кўтарди.

Бу борада жорий йил 2 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ижросини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида мутасадди ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишларни Қорақалпоғистон Республикасида мувофиқлаштириш бўйича масъул этиб белгиланди.

Банк Бошқаруви Раиси Азиз Воитов ва масъул раҳбар ходимлардан иборат ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, дастур ижроси бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолига, айниқса, кам таъминланган оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича тушунчалар бериш, ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва улар ечимида яқиндан кўмаклашиш мақсадида сайёр учрашувлар ўтказди.

Учрашувларда тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аньанавий ҳунармандлик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чимбой туманининг эски маҳаллаларидан бирида ўтказилган шундай тадбир давомида бу ерда истиқомат қилаётган ҳунармандларни қийнаётган масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди.

